

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12. 2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖОВЛИЕВ БАҲРОМ АБДИНАЗАР ЎҒЛИ

**ЗИРАБУЛОҚ-ЗИЁВИДДИН РЕГИОНИ БЎР ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ
БИОСТРАТИГРАФИЯСИ ВА ФАЦИАЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of geological and mineralogical sciences**

Жовлиев Бахром Абдиназар ўғли

Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқизиқларининг биостратиграфияси
ва фашиал хусусиятлари 3

Жовлиев Бахром Абдиназар угли

Биостратиграфия и фашиальные особенности меловых отложений Зира-
булак-Зиаётдинского региона 21

Jovliev Bakhrom Abdinazar ugli

Biostratigraphy and facial features of the cretaceous deposits of the Zirabulak-
Ziaetdin region 39

Нашр қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12. 2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖОВЛИЕВ БАҲРОМ АБДИНАЗАР ЎҒЛИ

**ЗИРАБУЛОҚ-ЗИЁВИДДИН РЕГИОНИ БЎР ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ
БИОСТРАТИГРАФИЯСИ ВА ФАЦИАЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/GM198. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Абдуазимова Зоя Мусаевна
геология-минералогия фанлари доктори

Джалилов Гофур Ганиевич
геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ҳабиб Абдуллаев номидаги
Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «31» май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри., Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4386 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «18» май кuni тарқатилди.

(2024 йил «29» мартдаги 82 рақамли реестр баённомаси).

**Т.Х. Шоймуротов**
Илмий даража ва ёш бериш бўйича бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева
Илмий даража ва ёш бериш бўйича бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д., к.и.х.

Г.Б. Евсева
Илмий даража ва ёш бериш бўйича бир марталик илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги вақтда геологик ишларнинг асосий вазифаларидан бири фойдали қазилмаларнинг янги майдонларини қидириш ва излаш бўлиб, улар региондаги ер қобиғининг геологик тузилишини батафсил ўрганиш ва стратиграфик тадқиқотлар натижаларига асосланган геологик хариталар тузиш орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан кесмаларни табақалаш, хариталанадиган маҳаллий стратиграфик бўлинмаларни ажратиш, уларни табақалаш ва таққослаш (корреляция), фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлган маъдан қамровчи стратиграфик интервал ёки стратонларни аниқлаш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда ҳозирги вақтда турли хил фойдали қазилмаларни (олтин, уран, фосфоритлар, қурилиш хом-ашёси) қамраган горизонтлар, свиталар, кенжа свиталарнинг чегараларини аниқлашга имкон берадиган, иккитавақали моллюскалар бўйича қилинган биостратиграфик схемалардан фойдаланиб, янги тавселий стратиграфик схемаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга бўр ётқизикларидаги биоценозлар таркибини ва турларини аниқлаш, уларнинг фациал мансублигини ва палеоэкологик хусусиятларини ажратиш, ҳар хил турдаги минерал ресурсларни қамровчи қатламларнинг ёшини аниқлан учун, таянч ёш даражаларини ва қатламларнинг ёшини аниқлаш каби тадқиқотларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Республикада геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш, фойдали қазилмаларни қидиришнинг стратиграфик диапазонини ошириш орқали мамлакатнинг минерал ресурсларини кенгайтириш бўйича маълум илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...айрим ҳудудларнинг табиий ва минерал-ҳом ашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Зирабулоқ-Зиёвиддин регионининг бўр ётқизикларини биостратиграфик ва палеогеографик ўрганиш маҳсулдор кесмаларни табақалаш учун муҳимдир ва хариталанаётган маҳаллий стратиграфик бирликларни ажратишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги ПФ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси фаолиятини тубдан мукамаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сонли “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-ҳом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” Фармони.

тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашъеларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нашр қилинган ва фонд материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган минтақада биринчи босқичда (1934-1969) стратиграфик тадқиқотлар асосан геологик тадқиқотлар ва қидирув ишлари доирасида олиб борилган. Улар И.П. Шарапов, А.С. Аделунг, О.С. Вялов, Р.Ю.Музафарова, Е.П. Брунс, К.А. Набиев., Е.И. Барковской, В.С. Корсаков ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Ушбу даврда заиф палеонтологик тавсифларга эга бўлган минтақавий, камдан-кам ҳолларда маҳаллий бўлинмаларга эга бўлган геологик ва палеогеографик хариталар ишлаб чиқилган.

Кейинчалик махсус стратиграф-палеонтологларнинг ишларидан сўнг (1970-2000), геологик қидирув ишлари жараёнида ажратилган свиталар ишончли палеонтологик тавсифга эга бўлишди, бу эса свиталарнинг чегаралари ва ҳажмларини аниқ тавсифловчи стратиграфик ва корреляцион схемаларни ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу схемаларни такомиллаштириш бўйича ишлар ҳозирги кунгача давом эттирилиб, улар И.М.Абдуазимова (2007) томонидан амалга оширилган. Аммо, юқори даражада ўрганилганлигига қарамай, регионнинг стратиграфиясини баъзи муаммолари (бўр тизимининг куйи ва юқори бўлимлари ўртасидаги чегарани палеонтологик асослаш, бўр ва палеоген чегараси) тўлиқ ҳал қилинмади, бу Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидан қўшимча биостратиграфик тадқиқотлар ўтказишни тақозо этди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари “Регионалгеология” Давлат унитар корхонаси илмий тадқиқот ишлари режасининг 18-34/229 “Ўзбекистон бўр ётқизикларининг стратиграфияси, палеогеографияси ва палеоэкологияси бўйича атласни тайёрлаш ва нашр этиш” (2020), 17-55/16 “Марказий Қизилқум ва унга ёндош худудлардаги бўр ётқизикларининг палеонтологик ва литологик хусусиятлари” (2020), 22-67/52 “Зирабулоқ минтақасининг мезозой ва кайнозой ётқизикларининг биостратиграфик ва геокимёвий хусусиятлари” (2022-2025) мавзусидаги илмий ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки тавақали моллюска ва бошқа фауналарни аниқлаш асосида геологик-тасвирлаш ва башоратлаш-қидириш ишларида илмий асос бўлиб хизмат қилувчи Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқизикларининг янгиланган минтақавий стратиграфик схемасини тузишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янгиланган стратиграфик схема тузиш учун бўр ётқиқиқларининг кесмаларини, иккитавақали моллюскалар ва бошқа фауналарни комплекс ўрганиш;

бўр даврининг чўкинди ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш мақсадида биоценозларнинг таркибини ўрганиш, уларнинг мавжудлиги ва вақт ўтиши билан эволюциясининг экологик шароитларини аниқлаш;

бўр даврида содир бўлган воқеалар тавсифини аниқлаш мақсадида, свиталарнинг литологик таркиби, иккитавақали моллюскалари ва бошқа қазилма органик қолдиқларнинг кескин ўзгаришини ўрганиш ва воқеалар кетма-кетлигини аниқлаш;

геологик қидирув ишларини олиб бориш учун илмий асос бўлиб хизмат қилувчи янгиланган минтақавий (регионал) стратиграфик схема тузиш;

биостратиграфик тузилмаларда иштирок этувчи иккитавақали моллюскаларни монографик тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидagi бўр ёшининг чўкинди жинслари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидagi бўр ётқиқиқлари кесмаларининг палеонтологик объектлари ва литологик таркиби ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда стратиграфиянинг палеонтологик, литологик, экологик, фашиал ва ҳодисавий усулларида, кесмаларни табақалаш ва таққослаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқиқиқлари бўйича табақалаш ва таққослаш натижасида олинган, литологик-биостратиграфик асосда ажратилган таянч кесмалар билан районлаштириш ишлаб чиқилган;

ҳар бир таянч кесмаларда свиталарнинг ёшини ва чегараларини аниқлаш учун биоценозлар таркибининг хусусиятлари ва ҳар бир свитадаги мажмуаларнинг яшаш шароитлари ҳамда уларнинг вақт бўйича эволюцияси аниқланган;

бўр ётқиқиқлари кесмаларида қайд этилган, кескин фаунистик ва фашиал ўзгаришлар – глобал ва минтақавий абиотик ва биотик ҳодисаларнинг кесмалар тузилишида ва биоценозлар таркибида акс этган натижалари эканлиги аниқланган;

Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқиқиқларининг яруслар ва кенжаяруслари орасидаги чегаралари қўшимча палеонтологик асосланиб, минтақавий шкаланинг такомиллашган, янгиланган стратиграфик схемаси ишлаб чиқилган;

палеонтологик объектларнинг таксономик мансублиги ва уларни қамраган жинсларнинг ёшини аниқ белгилайдиган 14 та авлодга тегишли бўлган 16 та турга мансуб иккитавақали моллюскаларнинг монографик таърифланган ва аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биостратиграфик тадқиқотлар асосида маҳаллий стратиграфик бўлинмаларни батафсил табақалаш ишлари олиб борилди – қалинлиги ва ёши аниқланган свиталар кенжасвитага ва пачкага ажратилган;

йирик миқёсли геологик хариталар учун ишончли легенда ишлаб чиқишда асос бўладиган ётқизиқлар ҳосил бўлиш шароитлари аниқланган;

учта таянч кесмада бир хил ёшли свиталарнинг тузилиши ва таркибидаги фациал ўзгаришларни аниқлаш, геологик хариталарнинг янги авлодини ишлаб чиқиш учун уларни ҳудуд бўйича кузатиб бориш ва аниқлаштирилган ҳажмларда хариталаш имконини берадиган маҳаллий стратонларнинг стратиграфик кетма-кетлиги ажратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги 1670 м литологик-стратиграфик кесмалар, 34 та палеонтологик нуқталар, 31 та батафсил геологик кузатув нуқталарни тавсифлаш, ўрганиш ва организмларнинг қазилма қолдиқларини қатламма-қатлам йиғиш ва аниқлаш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, умумий ва минтақавий стратиграфик бирликлар чегараларининг палеонтологик асосланганлиги ва аниқлаштирилганлиги билан фарқланувчи Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқизиқларининг янгиланган стратиграфик схемаси ишлаб чиқилди, хариталанаётган свиталарнинг корреляцияси ва ёшини аниқлаш ишончлилигини сезиларли даражада оширадиган свиталарнинг стратиграфик кетма-кетлиги органик қолдиқлар комплекслари орқали Умумий (Ўзбекистон УСШ), Халқаро (ХСШ) стратиграфик шкала ва қўшни ҳудудлар бирликлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, маҳаллий стратиграфик бирликларни ажратган ҳолда литологик, палеонтологик ва экологик хусусиятларга асосланиб таянч кесмалар батафсил табақаланди; минтақавий ва глобал ҳодисалар билан боғлиқ бўлган, Умумий ва Халқаро стратиграфик шкалаларнинг бирликлари билан таққослашни таъминловчи, стратиграфик кетма-кетликда корреляцион ёш даражалар ажратилди; ҳозирги вақтда геологик-тасвирлаш ишларида легендалар тузиш ва хариталашда фойдаланилаётган маҳаллий бирликларнинг ёши, таркибини асослашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш. Зирабулоқ-Зиёвиддин ҳудуди бўр ётқизиқларининг биостратиграфияси ва фациал хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўр даври ётқизиқлари бўйича ишлаб чиқилган янгиланган стратиграфик схемаси “Ўзбек геология қидирув ” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 26 сентябрдаги 08-2903-сон маълумотномаси). Натижада, ўрганилаётган ҳудуднинг бўр даврида геологик ривожланиш тарихини ишончли талқин қилиш, геологик қидирув ва излаш ишларини

режалаштириш ишларида илмий асос сифатида фойдаланиш имкони яратилган;

биоценозларнинг вақт ва маконда ўзгариши асосидаги экотизимни қайта куриш модели “Ўзбек геология қидирув ” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 26 сентябрдаги 08-2903-сон маълумотномаси). Натижада, бўр даврида ётқизиклар ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш билан бирга, седиментацион ҳавзасининг геологик эволюциясини тушуниш учун асос ишлаб чиқилган;

бўр ётқизикларининг аниқланган биостратиграфик ва фациал хусусиятларига асосланиб, абиотик ва биотик ҳодисалар билан боғлиқ бўлган таянч корреляцион сатҳлар белгиланди, ёши бир хил, бироқ турли хил фациал ҳосилаларда чегаралари аниқ кўринган свита ва кенжасвиталарнинг корреляцион ёш сатҳлар модели “Ўзбек геология қидирув ” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 26 сентябрдаги 08-2903-сон маълумотномаси). Натижада, Зирабулоқ-Зиёвиддин региони турли фациал, аммо бир хил ёшдаги бўр ётқизиклари батафсил табақаланди ва корреляция қилинди, бу бошқа регионларнинг ушбу ёшдаги стратиграфик бўлинмалари билан таққослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан 5 та мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилишга тавсия этилган маҳаллий журналларда 4 та ва халқаро журналда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 117 бет, 12 та илова.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидаги бўр ётқизикларининг геологик ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобида 1930 йилдан 2022 йилгача регионда олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида

маълумотлар берилган; тадқиқотнинг ҳар бир босқичидаги иш натижаларига баҳо берилган ва уларнинг қидирув ишлари учун аҳамияти аниқланган.

Бўр даври ётқизиқларининг стратиграфияси бўйича тадқиқотлар олиб борган А.С. Аделунг ва б. (1944-1946 йй.), О.С. Вялова (1947 й.), Р.Ю. Музафарова (1953-1963 гг.), Е.П. Брунс ва б. (1951 г.), И.С. Сулейманов (1956-1972 йй.), Е.И. Барковской ва б. (1975-1979 йй.) геологик қидирув ва тематик ишлари батафсил ўрганилди. Охириги ўн йилликда Зирабулоқ-Зиёвиддин худуди бўр ётқизиқлари стратиграфиясини ўрганишга катта ҳисса қўшган И.М. Абдуазимова, Р.С. Хан, А.Д. Равшановларнинг махсус стратиграфик тадқиқотларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўрганишлар мобайнида бўр ётқизиқлари стратиграфик жиҳатдан юқори даражада ўрганилганлиги, шу билан бирга, стратиграфик бирликларнинг айрим чегаралари учун палеонтологик асослашнинг етарли эмаслиги аниқланди. Бу вазифа диссертация тадқиқоти натижасида бажарилди.

Бўр даври тоғ жинсларини ёшини аниқлаш етакчи гуруҳлардан саналган иккитавақалилар ёрдамида амалга оширилиши ҳамда ушбу худудда кўплаб учраши сабабли диссертация ишида ушбу гуруҳдаги қазилма организмлар ривожланишини асосий босқичлари ва унинг Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси ҳақида маълумот берилди.

Диссертациясининг “**Бўр ётқизиқларининг стратиграфияси**” деб номланган иккинчи бобида стратиграфик ва фашиал тадқиқотларнинг ўрганиш усуллари (§ 2.1), кесмаларни литологик-биостратиграфик табақалаш ва таққослаш хусусиятлари (§ 2.2) тавсифланган.

Стратиграфик тадқиқотлар биостратиграфик, литологик, палеоэкологик усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики худуднинг турли қисмларида бўр ётқизиқларининг турли хил чўкма чўкиш шароитларида ҳосил бўлган, бил хил ёшдаги свиталари ўзига хос литологик-биостратиграфик хусусиятларга эга. Бу стратиграфик тўлиқлиги, қалинлиги, кесманинг тузилиши, чегаралари, баъзи литологик ва палеонтологик хусусиятлари билан фарқланувчи учта Аузикарасай, Курганчи, Тим таянч кесмаларини аниқлаш имконини берди (§ 2.3).

Бўр ётқизиқлари схемасида (И.М. Абдуазимова, 2007) батафсил табақалаш ва таққослаш учун органик қолдиқларнинг турли гуруҳлари - аммонитлар, иккитавақалилар, фораминиферлар бўйича минтақавий биозонал шкалалар ишлаб чиқилган.

Литологик ва палеонтологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, хариталаш мумкин бўлган маҳаллий бирликлар: учта кенжасвита ҳажмидаги азкамар - $K_1 a_3-a_1 az(k)$, караиз - $K_1 a_1^2- K_2 s_{1-2} kr(z)$ (учта кенжасвита), сукайти - $K_2 s_3-t_2 sk(skt)$ (учта кенжасвита), карнап - $K_2 t_3-st kr(n)$ (учта кенжасвита), тим - $K_2 m tm(s)$ (иккита кенжасвита) свиталари кузатилди.

Апт яруси, юқори кенжаяруси, азкамар свитаси қуйи - ўрта кенжасвиталари - $K_1 a_3 az(k)_{1-2}$. Аузикарасай кесмасида қуйи кенжасвитаси тўқ жигарранг, сарғиш-кулранг конгломератлар, қумтошлардан ташкил топган. Қалинлиги 21,0 м. Таркибида устрицалар: *Liostera leymerii* Desh., *Amphidonte arduennensis zeravschenica* (Muzaph.) ва брахиоподалар: *Eudesia*

tekedgikenica Sm мавжуд. *Курганча кесмасида* алевролит, кулранг гиллар, оч-кулранг, рангбаранг гравелит қатламчалари, кумтошлар ва кумлардан иборат. Қалинлиги 15,0 м. Катта ва кичик устрицалар: *Liostrea leymerii* Desh., *Amphidonte zeravschamica* (Muzaph.) ва брахиоподалар: *Eudesia tekedgikenica* Sm билан тавсифланади. *Кенжасвита Тум кесмасида* тўлиқ ҳажмда сақланмаган ва конгломератлар, зангсимон-қўнғир гравелитлар, рангбаранг алевролит қатламчалардан ташкил топган. Қалинлиги 4-16,0 м. Кўп сонли устрицаларни ўз ичига олади *Liostrea leymerii* Desh., *Lopha (Arctottrea) rectangularis* (Roem.). *Аузикарасай кесмасида* ўрта кенжасвита бир жинсли литологик тузилишга эга бўлиб, кичик кумтош ва углеродли қатламчаларга эга яшил, тўқ яшил, сарғиш-қўнғир, тўқ кулранг гиллар билан ифодаланган. Қалинлиги 22,0 м. Унда кечки аптга хос бўлган иккитавақали моллюскалар турлари билан бой комплекслар мавжуд: *Corbula gaultina oblongata* Vinok., *Panope gurgites* (Brong.), *Linotrignia (Oistotrignia) gissarensis* Vinok.; аммонитлар: *Hypacanthoplites ex gr. jacobi* Col., *H. nolaniformis* (Natzkyi) Glasun.; фораминифералар: *Evolutinella karatjubensis* Mjatl., *Verneuilina vinokurovae* Zhuk. *Курганчин кесмасида* ўрта кенжасвита кулранг тўқ кулранг гил ва темирлашган жигаранг кумтош қатламчаларига эга кулранг, тўқ жигаранг, яшилсимон-сарик гиллардан ташкил топган. Қалинлиги 42,0 м. Кенжасвита иккитавақали моллюскалар: *Panope gurgites* (Brongn.), *Corbula gaultina oblongata* Vinok.; аммонитлар: *Hypacanthoplites cf. jacobi* Col., *H. cf. tshorloakensis* Glasun.; фораминифералар: *Evolutinella karatjubensis* Mjatl., *Verneuilina vinokurovae* Zhuk. билан тавсифланган. *Тум кесмасида* ўрта кенжасвита темирлашган кумтош қатламчаларига эга такрорланувчи кулранг, тўқ кулранг, рангбаранг гиллар билан характерланади. Гиллар орасида фораминиферлар: *Ammobaculites brunsaе* Suleym., *Trochammia subbotinae* Zasp. учрайди. Қалинлиги 4-11,2 м. Иккитавақалилар, аммонитлар ва фораминиферлар комплекслари барча учта типик кесмада Ўзбекистоннинг Умумий стратиграфик шкаласи (2020 й.) да ажратилган юқори апт аммонит лонаси *Acanthohoplites nolani* ва *Hypacanthoplites jacobi* билан таққослаш имконини беради. Юқори Аптнинг қуйи чегараси Азкамар свитасининг қуйи кенжасвитаси емирилиш юзасида ёки палеозой қатламларида трансгрессив ётиши ва кечки апт иккитавақалиларининг пайдо бўлиши билан белгиланади.

Альб яруси, қуйи кенжаяруси, азкамар свитаси, юқори кенжасвитаси – караиз свитаси, ост қисми - $K_1 a_1 az(k)_3, kr(z)_1$. *Аузикарасай кесмасида* азкамар свитасининг юқори кенжа свитаси тўқ ва оч кулранг, қисман темирлашган, асосида майда фосфоритлашган галкалардан ташкил топган ва апт ёткизликларидан қайта ёткизилган *Nucula sp.*, *Corbula sp* ядроларидан ташкил топган, гравелит қатламчалари (0,2 м) дан иборат. Қалинлиги 12,0 м. Қуйи альбга хос фораминифераларни ўз ичига олган: *Gaudryinopsis oblongus* (Zasp.), *G. gissarensis* (Zhuk.).

Альб яруси, ўрта кенжаяруси, караиз свитаси, қуйи кенжасвитаси - $K_1 a_2 kr(z)_1$. Кенжасвита кумтош қатламчалари мавжуд бўлган турли-хил рангдаги гравелитлар, гиллар ва алевролитлардан ташкил топган. Қалинлиги

22,0 м гача. Гилли қатламларда *Evolutinella subevoluta* Nikit. et Mjatl. фораминифералари мавжуд:

Альб ярусининг қуйи-ўрта кенжаяруси табақаланмаган ётқизиклари азкамар свитасининг юқори кенжасвитасида ва караиз свитасининг қуйи кенжасвитасида ўрнатилган $K_1 a_1 - a_2 az(k)_3, kr(z)_1$. Ушбу ёшдаги ётқизиклар Курганча ва Тим таянч кесмаларида намоён бўлган. *Курганча кесмасида* бу бўлинмалар пастки қисмида кулранг, тўқ-жигарранг гиллардан таркиб топган. Қалинлиги 13 м. Юқори қисми кулранг гравелит қатламлари ва сарик, тўқ пушти-жигарранг гиллардан иборат. Қалинлиги 28 м. Фораминиферлар: *Gaudryinopsis oblongus* Zasp., *Rosalina interposita* Mjatl. ни ўз ичига олади. *Тим кесмасида* ушбу ётқизиклар турли хил рангдаги гиллардан, гравелитлардан, кумтошлардан ва ранг-баранг алевролитлардан ташкил топган. Қалинлиги 4-17,5 м. Уларда органик қолдиқлар кузатилмади. Улар кесмадаги стратиграфик ҳолатига кўра шартли равишда ажратилди. Бу ётқизиклар азкамар свитасининг ўрта кенжасвитасига ювилиш билан ётади.

Альб яруси, юқори кенжаяруси, караиз свитаси, ўрта кенжасвитаси - $K_1 a_3 kr(z)_2$.

Аузикарасай кесмасида ушбу ётқизикларни алевролитлар, кумтошлар, гравелитлар ва қизил-жигарранг, кулранг, яшил, яшилсимон-кулранг гиллар ташкил қилади. Қалинлиги 33,5 м. Фораминифералар: *Trochammina ex gr. kugitangensis* N. Вук., *Evolutinella ex gr. asiatica* Zhuk. ни ўз ичига олади. *Курганча ва Тим кесмаларида* бу ётқизиклар *Аузикарасай тунида* ривожланган кесмаларга таққослаш асосида шартли равишда ажратилди. *Курганча кесмасида* улар жигаррангсимон-кулранг гравелитлар билан ифодаланган. Қалинлиги 13,0 м. *Тим кесмасида* улар кумтошлар, гравелитлар ва тўқ кулранг гиллардан ташкил топган. Қалинлиги 5-11,0 м. Юқори альб ётқизиклари ювилиш билан ўрта альб ётқизиклари устида ётади.

Сеноман яруси, қуйи-ўрта кенжаяруслари, караиз свитаси, юқори кенжасвитаси - $K_2 s_{1-2} kr(z)_3$.

Аузикарасай кесмасида кенжа свита кулранг жигарранг гравелитлар, кулранг, яшил-кулранг алевролитларнинг такрорланиб келиши билан ифодаланди. Қалинлиги 26,0 м. Жинсларда кечки бўрда тарқалган иккитавақали моллюскалар мавжуд: *Chlamys subacutus* (Lam.), *Gyrostrea turkestanensis* (Born.), *Korobkovitrigonia cf. ferganensis* (Arkh.). *Курганча тунидаги* кенжасвита таркибида қуйи-ўрта сеноманга хос бўлган: *Rotaliatina asiatica* N. Вук., *Trochammina cenomanica* Zhuk., *Gavelinella cenomanica* (Loebl. et Tap.), *Paragaudryina inornata* Suleym. фораминиферларни қамровчи яшил-кулранг гил қатламчаларидан, гравелитлардан, кулранг, яшилсимон-кулранг, кумтошлардан ташкил топган. Қалинлиги 20 м. *Тим кесмасида* ётқизиклар конгломератлар, гравелитлар, кулранг, сарик, охрали кумтошлар ва юпқа гил қатламчалари билан ифодаланган. Қалинлиги 9,0-24,0 м. Фауна қолдиқлари аниқланмади. Қуйи-ўрта сеноман ётқизиклари юқори альбда ювилиш билан ётади.

Сеноман яруси юқори кенжаяруси, сукайти свитаси қуйи кенжасвитаси - $K_2 s_3 sk(skt)_1$.

Аузкарасай кесмасида кенжасвита гравелитлардан, кумтошлардан, кулранг, сарғиш-кулранг кумлардан, алевролит қатламларидан ва кечки сеноманга хос фораминиферларни қамраган жигарранг гиллардан ташкил топган: *Paragaudryina inornata* Suleym., *Ammobaculites miser* N. Вук., *Gaudryinopsis asiaticus* (N. Вук.). Қалинлиги 18,0 м. *Курганча кесмасида* кенжасвита ётқизиқлари асосида гравелитлар бўлган, қисман темирлашган, яшил, тўқ жигарранг гиллар билан ифодаланган. Қалинлиги 38,0 м. Гилларда кечки сеноманга хос иккитавақали моллюскалар мавжуд: *Korobkovitrigonia zirabulakensis* Jovliev, sp. nov, *Corbula muschketovi* Böhm, *Cyprimeria (?) faba* Sow. *Тум кесмасида* кенжа свита ётқизиқлари оч-қўнғир, жигарранг кумтошлар ва кечки сеноман фораминифералари: *Gaudryinopsis asiaticus* (N. Вук.), *Ammobaculites miser* N. Вук., *A. fontinense* Terq. мавжуд бўлган яшил, қизғиш-бинафша рангли, охралаи, гиллардан ташкил топган. Қалинлиги 19,0 м. Юқори сеноман ётқизиқлари ювилиш билан қуйи-ўрта сеноман ётқизиқларига ётади.

Турон яруси, қуйи кенжаяруси, сукайти свитаси, ўрта кенжасвитаси - K₂t₁ sk(skt)₂. *Аузкарасай кесмасида* кенжасвита ётқизиқлари яшилсимон-тўқкулранг гиллар, яшилсимон-кулранг, малинасимон алевролитлар, кулранг, жигарранг кумтошлар билан ифодаланган. Қалинлиги 45,5 м гача. Гил қатламларида эрта туронга хос фораминифералар мавжуд: *Vialovia zerabulakensis* Suleym., *Gaudryinopsis akrabatensis* (Zhuk.), *Paragaudryina inornata* Suleym. *Курганча кесмасида* кенжасвита ётқизиқлари қуйи туронда тарқалган фораминифераларни: *Vialovia zerabulakensis* Suleym., *Paragaudryina inornata* Suleym., ўз ичига олган яшил, кулранг-яшил гиллардан иборат. Қалинлиги 27,0 м. *Тум кесмасида* кенжа свита ётқизиқлари асосан кум ва кумтош қатламчаларига эга кулранг-яшил гиллардан иборат. Қалинлиги 45,0 м гача. Гиллар таркибида эрта туронга хос фораминифералар мавжуд: *Vialovia zerabulakensis* Suleym., *Gaudryinopsis akrabatensis* (Zhuk.), *Paragaudryina inornata* Suleym. Қуйи турон ётқизиқлари ювилиш билан юқори турон ётқизиқларига ётади.

Турон яруси, ўрта кенжаяруси, сукайти свитаси, юқори кенжасвитаси – K₂t₂ sk(skt)₃. *Аузкарасай кесмасида* кенжа свита ётқизиқлари жигарранг, кулранг, яшилсимон-кулранг кумтошлар, кулранг устрицалар ва яшил гиллардан ташкил топган. Қалинлиги 16-40 м. Кенжа свита ўрта туронда кенг тарқалган иккитавақалилар ва фораминиферлар билан характерланади: *Liostraea ljangarensis* Vinok., *Costeina costei* (Соқ.), *Paragaudryina babaevi* Suleym. *Курганча кесмасида* кенжасвита ётқизиқлари кулрангсимон-яшил, кулрангсимон-жигарранг, тўқ сариксимон-жигарранг кумлардан, кумтошлардан, яшил гиллар қатламчаларидан иборат. Қалинлиги 50-116,0 м. Кумтошларда иккитавақали моллюскалар: *Cuculleae crassa* Burk.; гастроподалар: *Haustator kysylkumensis* Pêl. мавжуд. Гилли қатламлар фораминифералар: *Paragaudryina babaevi* Suleym., билан характерланади. Улар юқори туронга хос бўлган етакчи ҳисобланади. *Тум кесмасида* кенжа свита ётқизиқлари яшилсимон - ва сарғиш - кулранг кумтошлар, кумлар ва алевролитлардан иборат. Қалинлиги 28-40,0 м. Таркибида ўрта туронга хос

фораминиферлар: *Paragaudryina babaevi* N.Вук мавжуд. Ўрта турон ётқизиклари қуйи турон ётқизиклари устида ювилиш билан ётади.

Турон яруси, юқори кенжаяруси, карнап свитаси, қуйи кенжасвитаси - $K_2t_3 kr(n)_1$. *Аузкарасай кесмасидаги* ушбу кенжасвитада яшил гил қатламчалари мавжуд бўлган қизил, кулранг, жигарранг кумтошлар кузатилади. Гиллар таркибида кечки турон фораминиферлари: *Ammomarginulina aff. aulatensis* Agar., *Vialovia aff. karchiensis* Suleym., *Gaudryinella pseudoasiatica* N. Вук. учрайди. Қалинлиги 17-50,0 м. *Курганча кесмасида* кенжасвита пушти-жигарранг, сариқ кумлар, таркибида гастроподалар: *Gyrodes subtenellus* Pêl., *Rostellinda subdalli* Pêl. учровчи кумтошлардан ташкил топган. Қалинлиги 19,0 м. *Тум кесмасида* кенжасвита гиллар, алевролитлар, яшил-кулранг кумтошлар, иккитавақали моллюскалар: *Lima cf. canalifera* Woods, *Modiolus cf. aequalis* Sow. билан ифодаланани. Қалинлиги 10,0 м. Юқори турон ётқизиклари ювилиш билан ўрта турон ётқизикларига ётади .

Коняк яруси, карнап свитаси, ўрта кенжасвитаси - $K_2 k kr(n)_2$. *Аузкарасай кесмасида* кенжасвита жигарранг, малина рангдаги кум, кумтош қатламларига эга яшил ва жигарранг гиллар билан тавсифланади. Қалинлиги 11-42,0 м. Гил қатламларида коняк асрига хос бўлган фораминиферлар: *Ammomarginulina aulatensis* Agar., *A. sixtelae* Agar., *Pseudoclavulina kasarinovi* Suleym. учрайди. *Курганча кесмасида* кенжасвита тўқ жигарранг, кулранг, яшил-кулранг гиллар, таркибида фораминиферлар: *Ammomarginulina aulatensis* Agar., *Vialovia karshiensis* Suleym. билан ифодаланган. Қалинлиги 23,0 м. *Тум кесмасида* кенжа свита яшилсимон-кулранг кумтош қатламчаларига эга турли хил рангдаги яшилсимон-кулранг гиллар, алевролитлардан иборат. Қалинлиги 33,0-42,0 м. Гиллардан коняк асрига хос бўлган фораминиферлар: *Ammomarginulina sixtelae* Agar., *Pseudoclavulina kasarinovi* Suleym., *Gaudryinella pseudoasiatica* N. Вук., аниқланди. Коняк ётқизиклари ювилиш билан юқори туронга ётади.

Сантон яруси, карнап свитаси, юқори кенжасвитаси - $K_2 st kr(n)_3$. *Аузкарасай кесмасида* кенжа свита оч жигарранг, қизғиш-жигарранг, кулрангсимон-яшил, қизил ва темирлашган конкрецияларга эга кумтошлардан, кумлардан, гиллардан ва алевролитлардан ташкил топган. Қалинлиги 7,5-20,0 м. Гилли қатламларда сантон ёшидаги фораминиферлар: *Reophax aff. angustus* (Belous.), *Gaudryinella pseudoasiatica antiqua* N.Вук. мавжуд. *Курганча кесмасида* кенжасвита сарғиш, оч жигарранг, жигаррангсимон-сариқ кумтошлардан ва оч кулранг охактош қатламчаларига эга кулранг, яшилсимон-кулранг гиллардан ташкил топган. Қалинлиги 21-70,0 м. Кенжасвитада сантон ётқизикларига хос бўлган фораминиферлар: *Gavelinella infrasantonica* (Balakh.) ва кўп микдорда иккитавақали моллюскалар: *Septifer subticostatus* Vinok., *S. dzhangeldensis* Vinok., аниқланди. *Тум кесмасида* кенжасвита охактош қатламларига эга яшилсимон-кулранг, пушти-қизил, жигарранг гиллар, алевролитлар, кумтошларнинг алмашилиб ётишидан ташкил топган. Қалинлиги 24-35,0 м. Кумтошларда сантон ётқизикларига хос бўлган иккитавақалилар:

Megatrigrionia subindica (Arkh.), *M. syrdariensis* (Arkh.) мавжуд. Сантон ётқизиқлари ювилиш билан коньяк ётқизиқларига ётади.

Кампан ётқизиқлари глобал регрессия натижасида бу ҳудудда мавжуд эмас.

Маастрихт яруси, тим свитаси - K_2 m tm(s). *Аузкарасай кесмасида* қуйи кенжасвита жигарранг қумтошлар, кулранг, қизил, яшил қумлар, яшил гиллар, малинарангли алевролитлар билан тавсифланади. Қалинлиги 29,5 м. Юқори кенжасвита кулрангсимон-яшил, ранг-баранг қумтошлар ва қумлардан, сарғиш оч кулранг оҳактошлардан ташкил топган. Таркибида иккитавақали моллюскалар: *Liostrea lehmannii* Rom., *Amphidonta pyrenaica* (Leym.), *Ceratostreon spinosum* (Math.), *Chlamys dujardini* Roem., рудистлар: *Gyropleura koschabulakensis* Bobk., *Orbignyana vlasovi* Bobk., *Apricardia* sp., мавжуд. Қалинлиги 11,0 м. *Курганча кесмасида* қуйи кенжасвита кулранг, яшилсимон-кулранг, сариқ рангли гиллар, қум ва алевролитлардан иборат. Қалинлиги 25,5 м. Юқори кенжасвита кулранг, яшилсимон-кулранг қумтошлар, кулранг оҳактошлар ва иккитавақали моллюскалар: *Liostrea lehmannii* Rom., *Amphidonta pyrenaica* (Leym.), *Ceratostreon spinosum* (Math.), *Apricardia* cf. *mediasiatica* Bobk., *Gyropleura* cf. *gaurdakensis* Bobk., *Orbignyana* cf. *vlasovi* Bobk. билан ифодаланади. Қалинлиги 6,0 м. *Тим кесмасида* қуйи кенжасвита яшилсимон-кулранг, пушти-кулранг, оч кулранг қумтош ва алевролитлардан иборат. Қалинлиги 11,0 м. Юқори кенжасвита таркибида иккитавақали моллюскалар: *Liostrea lehmannii* Rom., *Gyropleura čipliana* Rych., *Orbignyana simakovi* Rojar., бўлган оч кулранг оҳактошлардан ташкил топган. Қалинлиги 7,0 м.

Уч турдаги кесмаларда учраган фауна комплекси бир хил турда бўлиб, Ўрта Осиё палеобиогеографик минтақасининг шарқий қисмидаги маастрихт ётқизиқларида кенг тарқалган.

Маастрихт ётқизиқлари ювилиш билан сантон ётқизиқларига ётади ва уларни палеоцен ётқизиқларини трансгрессив равишда қоплаган.

Диссертациянинг **“Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқизиқларининг биофациал хусусиятлари”** деб номланган учинчи боби вақт ўтиши билан чўкма чўкиш шароитларнинг тикланишига ҳисса қўшувчи бўр чўкинди хавзасида экотизимни қайта ташкил этиш эволюциясининг кетма-кетлигини очиб беради.

Кечки апт - эрта альб, ўрта ва кечки альб - эрта ва ўрта сеноман, кечки сеноман - эрта ва ўрта турон, кечки турон - сантон ва маастрихт асрларига хос бўлган 15 та биоценоз аниқланди (§ 3.1).

Азкамар свитаси (кечки апт), қуйи кенжасвитасига тўғри келадиган биринчи биоценоз намоёндалари қирғоқ бўйи денгиз хавзасининг тўлқинли зонасида ҳаёт кечирган.

Азкамар свитаси (кечки апт), ўрта кенжасвитанинг қуйи қисмининг гилли қатламларида жойлашган *иккинчи биоценоз* намоёндалари, чуқурлиги 100-200 м бўлган, денгиз хавзасининг очик, саёз, соҳил бўйи қисмида ривожланган.

Соҳил бўйининг саёз қисмларида ривожланган *азкамар свитаси* (*кечки апт*), *ўрта азкамар кенжасвитасининг ўрта ва юқори* қисмларидаги *учинчи биоценоз* таркибига *фораминифералар*, *иккитавақалилар моллюскалар* ва *аммонитлар* киради.

Тўртинчи биоценоз вакиллари *азкамар свитаси (эрта альб)* юқори *кенжасвитасида* тарқалган. Биоценоз очик қирғоқнинг саёз зонасида, темир минераллар билан бойитилган, вақти-вақти билан денгиз суви дарё оқимлари билан қуйилиб турадиган паст текисликда яшашга мослашган темирлашган *фораминифераларнинг* комплексларидан иборат.

Караиз свитасида (альб – эрта-ўрта сеноман) аниқланган *бешинчи, олтинчи ва еттинчи биоценоз* намоёндалари *фораминифералар*, *иккитавақали* ва *қориноёқли моллюскалар* уюшмасини қамраган. Улар саёз соҳил бўйи, вақти-вақти билан денгиз суви қуйилиб турадиган паст текисликда, сув ости дельталарида, саёз соҳилбўйининг чуқур сувли қисмида, суви ўртача ҳаракатланувчи саёз соҳил бўйида яшаган.

Сукайти свитасида (кечки сеноман – эрта-ўрта турон) аниқланган *саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи биоценоз* намоёндалари вақти-вақти билан денгиз суви қуйилиб турадиган паст текисликда, саёз соҳилбўйида ва ички шельфда яшовчи *иккитавақали моллюска* ва *фораминифералар* уюшмасини қамраган.


Ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи биоценозлар карнап свитаси (кечки турон - сантон) таркибига киради ва ички шельф ва саёз соҳилбўйида ҳаёт кечирган *фораминифералар*, *ягона иккитавақалилар* уюшмасини қамраган. Улар *қуйи, ўрта ва юқори кенжасвиталарнинг* гилли чўкиндиларида тарқалган.

Ўн тўртинчи, ўн бешинчи биоценозлар тим свитасининг (маастрихт) қуйи ва юқори қисмларидаги чўкиндиларда аниқланди ва улар *фораминифералар*, *иккитавақали моллюскалардан (устрицалар, рудистлар)* иборат. Ички шельф қирғоқ бўйи денгиз хавзасининг тўлқинли зонасида ҳаёт кечирган.


Кузатилган экологик сукцессия (биоценозларнинг қонуният ососида алмашинуви) стратиграфик кетма-кетликда жойлашган свиталардаги 15 та ажратилган биоценозлар палеогеографик шароитни қайта тиклаш имкониятини берди.

Биоценозларнинг яшаш шароитини ўзгариши регионал ва глобал абиотик ҳодисалар билан боғлиқлиги аниқланди. Улар трансгрессия, регрессия, тектоник эвстазия.

Ушбу ҳодисаларни ўрганиш седиментацион ҳавзалардаги экологик шароитларга таъсир қилувчи, 15 та корреляцион даражалар ажратиш ва фойдали қазилмаларга (кўмир, уран, фосфорит ва бошқалар) истиқболли стратиграфик бўлинмаларни башоратлаш имконини беради (расм 1, 2).



Расм 1. Корреляцион даражалар ва улар билан абиотик ҳодисаларнинг боғлиқлиги. Тузувчилар: Б.А.Жовлиев, И.М.Абдуазимова 2022 г. (Шарти белгилар 12-иловада)



Расм 2. Корреляцион даражалар ва улар билан абиотик ходисаларнинг боғлиқлиги. Тузувчилар: Б.А.Жовлиев, И.М.Абдуазимова 2022 г. (Шартли белгилар 12-иловада)

Бўр босқичида регионнинг асосий ҳодисалари бу системанинг ва эвстатик трансгрессия ва регрессия шароитларида кўтарилмаларнинг ҳосил бўлганлигидир. Барча бу глобал жараёнлар бўр седиментацион ҳавзасининг эволюциясида турли даражада акс этган ва литологик таркибни ва денгиз биоталарининг палеоэкологик шароитларини ўзгаришига ёрдам беради.

Диссертациясининг – «**Иккитавақали моллюскаларнинг монографик тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида стратиграфия учун энг муҳим ва тез-тез учрайдиган, минтақанинг бўр ётқизиқларига хос бўлган 16 та турдаги иккитавақалилар тасвирланган, улардан 1 таси янги. Улар 14 та турга, 10 та оилага, 5 та туркумга тегишли. Ушбу турлар Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидида ривожланган свиталарнинг ёшини аниқлаш учун муҳимдир

Тавсифлар “Палеонтологик тавсифлар” Коробков И.А. (1971), Барсков И.С. (2004) ва “Палеонтология асослари” (1960) маълумотномаларида қабул қилинган систематика ва терминологияга мувофиқ амалга оширилди. Тавсиф учун барча керакли маълумотлар тақдим этилди, улар асосида таксонларнинг таксономик мансублиги аниқланди, уларнинг стратиграфик ва географик тарқалиши, жойлашуви, бошқа минтақаларнинг ўхшаш объектлари билан қиёсий хусусиятлари кўрсатиб ўтилди. Монографик тасвирланган объектларнинг тасвирлари палеонтологик жадвалларда умумлаштирилиб, тушунтиришлар берилди.

Зирабулоқ-Зиёвиддин худуди кесмаларидан жами 54 турдаги иккитавақали моллюскалар ўрганилган, қуйи ва юқори бўр бўлимларининг турли свиталаридан 16 та объект тавсифланган: *Cuculaea crassa* Burk., *Liostrea leymerii* Desh., *Liostrea lehmannii* (Rom.), *Lopha rectangularis* (Roem.), *Ceratostreon spinosum* (Math.), *Amphidonte pyrenaica* (Leym.), *Modiolus turkesranensis* L. Rom., *Korobkovitrigonia zirabulakensis* Jovliev sp. nov., *Crassarella austriaca* Zittle, *Cyprimeria (?) faba* (Sow.), *Panope gurgites* (Brong.), *Corbula gaultina oblongata* Vinok., *Corbula mushketowi* Böhm., *Pholadomya fabrina* Agassiz, *Apricardia mediasiatica* (Bobk.), *Orbignyana vlasovi* (Bobk.)

Келтирилган монографик тавсифлар палеонтологик объектларнинг таксономик боғлиқлигининг тўғрилигини белгилайди ва шу билан хариталанадиган свиталарнинг ёшини аниқлик даражасини оширади.

ХУЛОСА

Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун Зирабулоқ-Зиёвиддин минтақаси бўр ётқизиқлари стратиграфияси муаммоларини ҳал қилишга қаратилган диссертация тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Зирабулоқ-Зиёвиддин регионидидаги бўр ётқизиқлари биостратиграфик тадқиқотлар асосида, ўрганилаётган худудда тарқалган кесмаларнинг литологик-биофацал хусусиятлари аниқланди. Фацал ўзгаришларининг сабаби океан ҳавзаларидаги тектоник структураларнинг қайта қурилиши (тектоноэвстазия) натижасида юзага келган, дунё океани сатҳининг эвстатик тебранишлари бўлган.

2. Ўзига хос хусусиятлари асосида, стратиграфик кетма-кетликда жойлашган кенжасвиталарга бўлинувчи, хариталанадиган свиталардан иборат, стратиграфик схема тузишда асос бўлган учта таянч– Аузикарсай, Курганча, Тим кесмалари ажратилди.

3. Таянч кесмаларни ташкил этувчи бўр даври ётқизикларини табақалаш ва таққослаш стратиграфиянинг литологик, палеонтологик ва экологик усуллари ёрдамида амалга оширилиб, бу қатламларни ташкил этувчи тоғ жинсларининг таркиби, ёши ва генезиси ҳақида ишончли маълумотлар олинди. Схеманинг корреляцион қисмини ташкил этувчи маҳаллий стратиграфик бирликларнинг стратиграфик ҳолатини ишончлилиги уларда топилган органик қолдиқларни бошқа минтақаларнинг биозонал комплекслари, УСШ ва ХСШ билан солиштириш орқали исботланди.

4. Ҳар бир свитада биоценозлар таркибининг хусусиятлари ва уларнинг яшаш шароитлари аниқланди, вақт ўтиши билан ушбу уюшмаларнинг таксондаги ўзгаришлар кузатилди, бу ҳар бир таянч кесмада шаклланиш чегараларини ва уларнинг ёшини аниқлашга имкон берди.

5. Бўр свиталарида стратиграфик кетма-кетликда жойлашган 15 та биоценоз аниқланди, улар турли асрларда бўр чўкинди ҳавзасида мавжуд бўлган биотопларни аниқлашни таъминлади ва геологик вақтнинг ҳар бир сегментида седиментацион хавзанинг палеогеографик ҳолатини қайта тиклаш имконини берди. Чўкиндиларнинг шаклланиши ва уларнинг генезиси учун шароитларни тиклаш чўкинди жараёнлари билан боғлиқ минераллар учун истиқболли стратиграфик бирликларни башоратлаш имконини яратади.

6. Биостратиграфик тадқиқотлар натижасида яруслар (апт\альб, альб\сеноман, сеноман\маастрихт) ва кенжаяруслар (қуйи-ўрта альб, ўрта - юқори сеноман, қуйи-ўрта турон) орасидаги чегаралар бўйича стратиграфик жойлашувини аниқлайдиган қўшимча палеонтологик маълумотлар олинди, бу стратиграфик схемада минтақавий шкалани янада такомиллаштирди.

7. Диссертант томонидан Зирабулоқ-Зиёвиддин худудининг бўр кесмаларида топилган иккитавақали моллюскаларнинг 16 турининг монографик тавсифи ўтказилди. Монографик тавсиф биостратиграфик тадқиқотларда муҳим элемент ҳисобланади, чунки палеонтологик объектларнинг таксономик мансублигининг аниқлилигини ва уларнинг стратиграфик тарқалганлигини, ёндош жинсларнинг ёшини аниқлаш ишончилигини оширади.

8. Олинган натижалар асосида Зирабулоқ-Зиёвиддин региони бўр ётқизикларининг янгиланган стратиграфик схемаси ишлаб чиқилди, у Ўзбекистон Геология хизмати томонидан ўтказиладиган кенг кўламли геологик ўрганиш ва қидирув ишларида фойдаланиш учун тавсия этилади.

9. Фациал таҳлил фойдали қазилмаларнинг лаколоизацияси учун энг қулай палеогеографик шароитларни аниқлаш имконини берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.24/30.12.
2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ
НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
МИРЗО УЛУГБЕКА**

ЖОВЛИЕВ БАХРОМ АБДИНАЗАР УГЛИ

**БИОСТРАТИГРАФИЯ И ФАЦИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ
МЕЛОВЫХ ОТЛОЖЕНИЙ ЗИРАБУЛАК-ЗИАЭТДИНСКОГО
РЕГИОНА**

04.00.05 - Палеонтология и стратиграфия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОЛОГО-
МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2023.3PhD/GM198.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Абдуазимова Зоя Мусаевна
доктор геолого-минералогических наук

Джалилов Гофур Ганиевич
доктор философии по геолого-минералогическим наукам (PhD)

Ведущая организация: Институт Геологии и геофизики
имени Хабиба Абдуллаева

Защита диссертации состоится «31» мая 2024 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 4386). (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» мая 2024 г.

(реестр протокола рассылки № 82 от «29» марта 2024 г.).

**Т.Х. Шоймуратов**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

М.Г. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

Г.Б. Евсева
Председатель газодового, Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в настоящее время одной из главных задач геологической службы является поиск и разведка новых участков полезных ископаемых, которые проводятся путем детального изучения геологического строения земной коры региона и геологического картирования, в основе которых лежат результаты стратиграфических исследований. В связи с этим, одной из приоритетных геологических задач является расчленение разрезов, выделения картируемых местных стратиграфических подразделений, их расчленение и корреляция, выявление рудомещающих стратиграфических интервалов или стратонов, с которыми связаны полезные ископаемые, имеющее теоретическое и практическое значение.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования по разработке новых детальных биостратиграфических схем с использованием схемы по двустворчатым моллюскам, которые способствуют выделению границ горизонтов, свит, подсвит отложений, содержащих полезные ископаемые различного типа (золото, уран, фосфориты, строительные материалы). При этом особое внимание уделяется исследованиям по двустворчатым моллюскам меловых отложений, таких как определение видов и состава биоценозов, установление их палеоэкологических особенностей и фациальной приуроченности, выявление по ним опорных возрастных уровней для установления возраста толщ, содержащих различные виды минеральных ресурсов.

В Республике достигаются определенные научные результаты по расширению минерально-сырьевых ресурсов страны путем повышения эффективности проведения геологоразведочных работ, увеличения стратиграфического диапазона поиска полезных ископаемых. В Стратегии¹ действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «...обеспечению комплексного и эффективного использования природного минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов». В связи с этим, биостратиграфическое и палеогеографическое исследование меловых отложений Зирабулак-Зиаэтдинского региона, необходимые для расчленения продуктивных разрезов и выделения картируемых местных стратиграфических подразделений имеют большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, соответствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях Президента № ПП-3578 от 1 марта 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан "

Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», № ПП-4401 от 23 июля 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы развития воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 гг.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

